Тошкентдаги "Шарқ гули" ҳиссадорлик жамияти тикувчилари Умида Юнусова ва Мафрат Лукмонова.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ГАЗЕТАМИЗНИ ЯНА 20 КИШИ ОЛАДИ

СИРДАРЁ. Ховос туманидаги "71-Фарҳод" автокорхонаси ҳиссадорлик жамиятларидан бири. Вилоятдаги таниқли бу корхона мулкчиликнинг янги турига ўтганидан кейин иқтисодий кўрсаткичлари ҳам самарали кечмоқда. "Транспортчиларимиз орасида "Ўзбекистон овози" газетхонлари оз эмас, – дейди корхона бошлиғи Раҳматилла Қаршибоев.– Бу йил жамоамиз аъзоларидан 20 кишини "Ўзбекистон овози"га ташкилот ҳисобидан обуна қилишга аҳд қилдик. Отахон газетанинг ижодий жамоаси ўз навбатида транспортчилар ҳаётини мунтазам ёритиб туришга аҳамият берса, айни муддао бўларди".

Абдужалил УМАРОВ.

ҲАМ ГАЗ, ҲАМ СУВ

НУКУС. Тахтакўпир туманида аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Ҳозирча 85 фоиз оила табиий газдан фойдаланмоқда. Яқинда туманнинг "Жанадарё" жамоа хўжалиги хонадонларида ҳам табиий газ ёнди. Шу муносабат билан ўзига хос тантана бўлди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўринбосари Р. Йўлдошев иштирок этди.

Музаффар АҲМАД.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ҚИШЛОҚДА ФРАНЦУЗ ПИШЛОҒИ

ФАРҒОНА. "Ҳамид" фирма дўкони пештахталарида сифатли француз пишлоқлари пайдо бўлди. Пишлоқлар Тошлоқ тумани Бўстон қишлоғидаги "Мўътабар" сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш заводида тайёрланмоқда. Бу фермер Мақсудахон Эркабоева Францияда тажриба орттириб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганининг натижасидир. Фермада эса 50 дан ортиқ швиц зотли моллар парваришланмоқда. Парижликлар пишлоқ ва сут маҳсулотлари тайёрлайдиган завод қуриб беришди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ОКСОКОЛ ЛАВОЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

ЖИЗЗАХ. Ғаллаорол туманидаги Тўйчи Худоёров номли ширкат хўжалиги ҳудудида 14 та қишлоқ бўлиб, уларда 8,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Хўжалик маъмурияти одамларга раҳбарликни янада яхшилаш, уларнинг турмуш тарзларидан ҳамиша хабардор бўлиш ва ижтимоий муҳофазани кучайтириш мақсадида ана шу қишлоқларнинг 11 тасида оқсоқоллар бошқарувини жорий этди. Бу лавозимга ҳар бир қишлоқнинг обрўли, тадбиркор ва эл ғами учун ҳамиша ҳозиру-нозир кишиларини тайинлаб, уларга яхшигина ойлик лавозим маоши белгиланди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Чустлик қўли гул уста-темирчи Салим Жўраев шогирди Шокиржон Қорақулов билан иш устида.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 19 ноябрь, сешанба № 148 (22.069).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТУЗИЛДИ

Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ мажлиси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика Президенти ва ҳукумати юритаётган кучли ижтимоий сиёсат мамлакатимизда халқлар тотувлиги, осойишталик ва барқарорликни таъминлаётганини таъкидладилар, фахрийларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан мамнунликларини изҳор этдилар.

«Нуроний» деб аталган янги жамғарма ногиронлар ва бошқа нафақахўр қариялар турмуш шароитини, сиҳат-саломатлигини янада яхшилашни, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айниқса ёшлар тарбиясида фаол қатнашишларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ташаббускор гуруҳ мажлисида «Нуроний» жамғармасини тузиш ташкилий қўмитаси ва унинг таркиби тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар, йирик саноат корхоналари ва жамоат ташкилотлари янги ташкил этилаётган жамғарма муассиси бўляптилар. Жамғарманинг таъсис қурултойини ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

Публицистнинг юз сатри

ҚАЙГА БОРСАМ, БОШДА ДЎППИМ...

Ҳар сафар шундай бўлади: мамлакатимиз Президенти муайян бир масалани тилга оладилар, ҳаммамиз ич-ичимиздан маъқуллаб тўғрилигини эътироф этамиз. Хўш, тўғри экан, нега биз, мафкура жабҳаси ходимлари, зиёлилар шу пайтгача бу мавзуни матбуотда кўтариб чиқмадик, нега жамоатчилик эътиборини қаратмадик? Юртбошимиз Намангандаги сессияда сўзлаган нутқларида ўзбек дўпписи, хусусан Чуст дўпписи ҳақида гапирганларида кўнглимдан шундай фикрлар ўтди. Тўғри, адабиётимизда дўппининг таърифи битилган асарлар кам эмас. Эркин Воҳидовнинг «Қайга борсам, бошда дўппим, ғоз юрарман гердайиб» сатрлари шууримизда муҳрланиб қолган. Лекин шу пайтгача дўппининг одамлар ҳаётида, уларнинг маънавиятида бунчалик ўрин эгаллашини ҳис қилмагандим.

Бунга юртбошимизнинг куйиб-пишиб айтган ҳароратли сўзлари сабаб бўлди. Ахир биз мустақиллик туфайли азалий қадриятларимиз тикланаётганидан шодланар эканмиз, нега энди дўппи қолиб оқ қалпоқни афзал кўрамиз?! Маънавий баркамоллик учун интиламиз десагу ўз халқимизнинг донишмандлиги намоён бўлган дўппини менсимай қўйсак?! Шу дўппининг ҳар қатим ипларида оналаримиз, қизларимиз меҳри акс этмайдими?!

Улкан саройларда турли миллат ва элат вакиллари анжуман ўтказаётган дамларни тасаввур қилинг. Ҳамма, таомилга кўра, бош кийимини ечиб ўтирибди. Фақат ўзбекнинг дўпписи юксак эҳтиром рамзи сифатида кўзларни яшнатади. Ана шу дўппиларга қараб ўз вакилларимизни таниб оламиз.

Аслида хонадонда ички кийимлар қатори кийиладиган араби қалпоқ бизда қандай пайдо бўлгани ҳақида ўйлаб қолдим. Мустақиллик туфайли ҳаж дарвозалари кенг очилди. Неча йиллик тақиқдан сўнг зиёратга бориб келганларни мўътабар зотлар каби эъзозладик. Кейинчалик бу эзгу сафарга савдогарчилик, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш мақсадида юрган кишилар ҳам қўшилишди. Ундайлар ҳожиликни эътибор қаратувчи имтиёз сифатида талқин этишга, бунинг учун бошидаги оққалпоқни пеш қилишга уринишди. «Мен Фалончи ҳожиман!» деб таништирди жамоага ўзини қирқ ёшлар атрофидаги бир йигит. Қизиқ, «ҳожи» сўзини бошқалар айтиб чақирса ҳам майли, лекин ўзини ўзи улуғласа ғалати эшитиларкан. Аслида унинг ҳажи Яратган ҳузурида қабул бўлганми-йўқми — бу ёлғиз Аллоҳга аён эмасми?!

«Болам сенга атаб дўппи тикдим, қани кийиб кўрчи» — деди сочларига оқ оралаган онахон. Ўғил волидасининг кўз нури, қалб кўри сингган дўпписини бошига кийганида онажониси «Қара, ҳақиқий куёв йигитлардай бўлдинг!» деб қувонди. Беихтиёр айтилган бу каломда жуда катта маъно мужассам. Халқимизда «Дўст бошга қарайди» деган нақл бор. Ўзбекнинг меҳрини, донолигини, бағри кенглигини ифода этувчи дўппилар мағрур бошимиздан тушмасин!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Гамбургдан хушхабар

«БАЙРОҒИМИЗ... ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МЕНИ ҚЎЛЛАДИ»

Куни кеча Германиядан ажойиб хушхабар олдик. Профессионал боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур ГРИГОРЯН навбатдаги жангда ҳам матонат кўрсатиб, ғалабага эришди. Журналист Сафар Остонов Гамбургга қўнғироқ қилиб, Артурга бир неча саволлар билан мурожаат этди.



— Артур, аввало ғалаба билан табриклаймиз!

— Раҳмат.

— Сиз учрашувни 23 ноябрь куни Англия чемпиони Майкл Айэрсс билан ўтказишингиз керак эди-ку. Рақибингиз ҳам, учрашув муддати ҳам ўзгарибди. Сабаби нимада?

— Тошкентдан қайтганимдан сўнг орадан бироз ўтгач, Майкл мен билан учрашувни яна қолдиришга қарор қилганлигини маълум қилишди. Унинг ўрнига жаҳон чемпионлигига иккинчи даъвогар АҚШ вакили Марти Якубовский рингга чиқадиган бўлиб қолди. Шу сабаб мусобақа муддати ҳам ўзгарди.

— Жанг қандай ўтди, рақибингиз ҳақида нима дея оласиз?

— 12 раунд курашишга тўғри келди. Унинг бўйи мендан 6 см. баланд эди. Тажрибаси ҳам жуда катта. Шу пайтгача профессионал рингда 98 учрашув ўтказиб, ундан 96 тасида ғолиб чиққан. Энди солиштириб кўринг, мен бор-йўғи 21-учрашувни ўтказаётгандим. Мусобақа олдидан мен видеотасмада унинг жангларини кўриб чиқдим. Сўнгра мураббийларим билан биргаликда тактик усулни танладик. Биз билардикки, у узоқ масофадан туриб жанг қилса, ташаббусни ўз қўлига олиши мумкин. Шунинг учун мен яқин масофадан ҳужумкорлик билан ҳаракат қилишим зарур эди. Шундай ҳам қилдим. У кўпроқ чекиниб, қарши ҳужумларга ўтиб турди. Кураш анча оғир кечди.

— Қандай ҳисоб билан ғалаба қозондингиз?

— 119:106 ҳисобида. Шуни ҳам айтишим керакки, Марти ўз вазн тоифасида профессионал боксчилар ўртасида бешинчи рақамга эга.

— Яна бир саволга аниқлик киритсак, айрим мутахассислар профессионал боксда уч марта жаҳон чемпиони бўлганлар олтин белбоғни ўзида доимий сақлаб қолади дейишмоқда. Айримлар эса тўрт ғалабадан сўнг дейишмоқда...

— Профессионал боксда чемпион ўз унвонини кетма-кет уч марта ҳимоя этгач, олтин белбоғни ўзида доимий сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўлади. Мен ҳозирча икки марта бунга эришдим. Навбатдаги учинчи жангни 1997 йилнинг февраль ойида эски даъвогар Англия чемпиони Майкл Айэрсс билан ўтказишим мўлжалланмоқда.

— Тошкентга қачон қайтасиз?

— Бир ҳафтадан сўнг.

— Газетамиз орқали ҳамюртларимга қандай тилаклар билдиришни истардингиз?

— Узоқда бўлишса-да, улар ҳаёлан мен билан бирга эканликларини, ҳаяжон билан бу учрашув натижасини кутаётганликларини яхши билардим. Ўтган гал Тошкентга борганимда катта-ю кичик мени ҳар бир қадамда қувонч билан кутиб олди. Германияга қайтаётганимда оқ йўл тилаб, кузатишди. Айниқса, Президентимизнинг менга йўллаган табриклари, айтган ҳар бир сўзлари зиммамга катта масъулият юклаган эди. Биласизми, ҳар гал рингга чиқаётганимда юртимиз байроғини кўзимга суртаман. Байроғимизни кўрганда кучимга-куч қўшилгандек бўлади. Ана шу байроқ тимсолида залда бутун Ўзбекистон, ҳамюртларимиз мени қўллаб тургандек бўлишади.

ЕР ҚАЪРИДАН ТОРТИЛГАН СУВ

БУХОРО. Пешку туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида хайрли ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Дўстлик» жамоа хўжалигида бу муаммо ечимини топган. Хўжалик ҳудудида 250-270 метр чуқурликда чучук сув захираси борлиги аниқланди. Ҳозир «Обиҳаёт» кичик корхонаси қувурлар ётқизиб, қишлоқларга сув оқизиш ишларини бошлаб юборишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий Федерацияси президенти, V ДАН «қора белбоғ» соҳиби Нурхон НАФАСОВ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га обуна бўлди. Сиз-чи?

Ф. СП–1

Министерство связи СССР „Союзпечать"

АБОНЕМЕНТ на газету / журнал 64588

Ўзбекистон овози (наименование издания) (индекс издания)

Количество комплектов

на 19 97 год по месяцам

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X

Куда 700124 Тошкент – 124 (почтовый индекс) М. Горький кўчаси 128/1 кв 22 (адрес)

Кому Нурхон Нафасов (фамилия, инициалы)

ТАШКЕНТ-37 18119610

6811/41

ЧИРОҚЛАР ЧАРАҚЛАГУСИДИР

Тошкент. Халқимизда рўзингни сот, рўшноликни ол, деган ибора бор, Ангрен — Тошкент темир йўл йўналишининг Акмал Икромов жамоа хўжалиги ҳудудида янги бекат барпо этиб, тунлари чироқлар порлаб туришига эришилишидан ҳам кўпчиликнинг кўнгли ёримади. Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида эса лампочкалар учун бурама симлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу билан рўшнолик манбаи электр лампочкаларни кўплаб ишлаб чиқаришга имкон яратилди. Маҳсулотлар ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам жўнатилмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Муҳаррир минбари

«БИЗ УЧУН ВАТАН БИТТА!...»

Беш йил бўлди. Юрагимда учта баҳайбат сурат лаҳза сайин каттариб бораётир. Ўйлайману, Яратганга илтижолар қиламан: Биз ВАТАНдан айрилмайлик. Яна қўксим ғурурга тўлади. Бу недан дейсизми? Ҳа,биз ҳам ХАЛҚ бўлиб дунёга чиқдик. Яна... Бир сўз дилимни ўртайди. У ҳам бўлса ҲАҚИҚАТ! Унинг асл қиёфасини кўргим келади.

***

Куз охирлаб қолди. Ғалвир сувдан кўтариляпти. Кимнинг тарозуси оғирроқ тош босяпти? Ўзбекистон харитасига қарайман. Андижонлик пахтакорнинг юзи ёруғ. Чунки у меҳнатига куймади-да. Ғаройиб тажрибаси бутун мамлакатга овоза бўлди. Энди мақтанса арзийди. Лекин Жиззаху Сирдарё, у ёғи Наманган ... Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Навоий ва бошқа вилоятларда сўнгги миқдорлар хирмонга тўкиляпти. Қиш эса, минг афсуски, осмонда қишламайди. Табиат сизу биз билан ҳисоблашиб ўтирмайди ҳам. Шу боисдан-да, юртбошимиз Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларида бўлганларида бутун ўзбекистонлик деҳқону зиёлига, хуллас, ҳар бир фуқарога саёқ бўларлик гапларни гоҳ ачиниб, гоҳ куйиниб айтдилар. Бу аччиқ ҳақиқатлар замирида Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдири турганлигини унутмаслик керак.

Тўғриси, бизнинг феълимизда ғалати бир қусур бор. Уни ҳар қадамда сезиб, билиб турамиз. Аммо эътибор бермаймиз. У нима дерсиз? Агар қайси вилоят ёки туман шаънига очиқчасига, ошкора танқидий фикр айтилса, ҳамма хатолик, нуқсон ўша ҳудудга тегишли деб ўйлаймиз. Аслидачи? Нега ҳамон Ўзганинг дардини ўзимизники дейишга ўргана олмаяпмиз? Ахир Ватан ягона-ку! Айтинг, уни бўлиб, ажратиб бўладими? Асло. Шундай экан энди ВАТАНни кенгроқ маънода кўнглимизга сингдирайлик.

Ватаннинг сурати борми? Бор, албатта. Фақат сизу биз сезиб-сезмаймиз-да. Унинг шакли-шамойили-ю, қадр-қимматини дунёнинг тўрт буржидан «Ўзбекистонни бир кўрсам» дея суюниб, кўз ёши тўкиб келаётган ватандошдан сўранг. Унинг митти юрагида улуғ юртнинг каттакон сурати ўйиб чизилган. Керак бўлса у «Ўзбекистон» деган битта сўзга бутун умрини алишишга тайёр. Биз бўлсак... баъзан.

Ватанда туриб, Ватаннинг қадрига етмаймиз.

***

Ҳаётнинг ўзи бир имтиҳон. Яшаш ҳам катта синов. Яхши, тўғри, ҳалол яшаш эса янада масъулиятлироқ. Яхшиси, сизга кечагина ўзим гувоҳи бўлган воқеани айтайин. Аввал жиззахлик пахтакорлар билан гаплашдим. Барибир сўз айланиб пахтага, деҳқончиликка келиб тақалди. Кўпни кўрган кекса бригадир нолиб қолди: «Нимасини айтасиз, ҳалиям деҳқоннинг эрки қўлида эмас. Унинг ерига эга кўп. Уни экасан, буни экмайсан, деганларни сўраманг. Аслида-чи, ерларимиз ҳориди. Алмашлаб экиш деган гап-сўзлар ҳозир йўқ. Мажбурий, зўрма-зўраки экин тикинлар кузга келиб, ҳаммамизни уялтириб қўяяпти. Раҳбарлар бўлса...» У истиҳолага борди. Шундаям яна юртбошимизнинг ошкора айтган дардли сўзларини эслатди: «Ахир Президентимиз бекорга ҳар иккала вилоятда бўлганларидаям боқимандалик, ўзибўларчилик, эгасизлик илдизлари халқ ва давлат ишончини оқлолмаётган, бурч ва масъулиятни унутиб қўйган субутсиз раҳбарларда эканини очиқ айтдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Бизлар кўриб турибмиз. Лекин...»

Ана шу оғриниш ва «лекин»лар ортида минг-минглаб деҳқонларнинг бугунги қувонч ва ташвишлари ётгани аён. Ёки сирдарёлик бир зиёлининг ярим ҳазил, ярим чин маънода айтган мана бу сўзларида ҳеч қандай муболаға йўқ: «Яшириб нима қиламиз, Сирдарёда ер эгасиз қолди. Ўтган ҳам, кетган ҳам ўз манфаатини ўйлайди. Тўғри гапни эшитишмайди. Телевизор орқали Президентимизнинг сўзларини эшитиб туриб, очиғи йиғлагим келди. Чунки у киши бизлар кўриб, билиб, аммо айтолмай юрган ҳамма дардларни айтдилар-да...»

Булар элдошларимиз кўнглидаги ҳақли эътирофлар.

Шоир Абдулла Орифда шундай бир сатр бор. Бу ҳаммамизга ёд бўлиб кетган: «Қачон халқ бўласан сен, эй оломон?!» Йўқ, мен бу машҳур сатрни таҳлил қилмайман. Бироқ, беш йилдан бери дилимни бошқа бир юпанч, ёруғ умид ёритади. БИЗ ЭНДИ ХАЛҚ БЎЛДИК! Ана шу халққа хос ишларни қиладиган кун ҳам келди. Мен юқорида, икки вилоят мисолида кўрганларимни бежиз айтмадим. Боиси, халқимизнинг руҳи аллақачон уйғонган. Тафаккурида «инқилоб» бошланяпти. Энг қувончлиси, бугун кечаги ниятлар ижобат бўлаётир. Энди ҳамма гап фидойиликда. Фидойилик, ватанпарварлик қаерда туғилади ўзи? Албатта, юракда-да! Юракда эса энг аввало миллий ғурур илдиз отса, Ватан деган муборак сўз қадрини чуқур англасак, эртанги нурли келажак остонасига руҳимиз тозарган ҳолда борамиз.

***

... Абу Ҳомид Ғаззолийда бир ривоят бор. Бир куни Абдулла Тоҳир отасидан «Давлат сиз ва сизнинг авлодингиз қўлида неча вақт туради?» — деб сўрабди. «Адлу инсоф тугагунча» — деб жавоб берибди отаси.

Ривоятнинг мағзи ҳали кўп асрларга татигулик. Келинг, энди ўтган кунларни эмас, айни ўзимизнинг бошимиздан кечаётган бугундан ҳикмат излайлик-чи!

Яна ҳар биримизнинг юрак-юрагимиздан тўғри чизиқ бўлиб ўтиб кетадиган сўзларни ўқийман: **«Худо бизга бериб қўйган талаб битта — имонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш», «Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбарларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва имону эътиқодига боғлиқ». «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак шиоримиз, даъватимиз узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланмасин»...** Бизларга қўйилаётган талаб битта: ҲАЛОЛЛИК! Бундан бошқа йўл йўқлиги аниқ айтилди. Унинг замирида ҳаётнинг қолган ҳамма қонуниятлари бор. Айниқса имон бутунлиги, комил ва собит эътиқод тушунчаси бугунги жамиятимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда беқиёс аҳамият касб этиши ҳар қадамда таъкидланяпти.

Ҳали-ҳали эсимда: туғилган жойим — Накурт қишлоғида ягона масжид бўларди. У ҳозир ҳам бор. Бўлмаса тоғларда қишлоқлар кўп. Лекин ҳеч ерда бошқа масжид қурилмаган. Ким ҳоҳласа жума куни ана шу масжидга келиб, намоз ўқир, сўнг бир-бирларининг ҳол-аҳволларидан хабардор бўлиб, етим-есирларга меҳрибончилик кўрсатарди. Бу муборак жойда ғийбат, гина-кудурат, ҳар хил ифво, фисқу-фасодлар унутиларди. Орадан неча ўн йиллар ўтди. У ҳамон элулусни бирлаштириб, яхшиликка чорлаб турибди. Мен бу ҳаётий мисолни бежиз келтирмадим. Сабаби Президентимиз Наманганда бўлганларида масжидлар қуришда «компания»бозликнинг авж олиб кетганини кескин танқид қилди. Бундай нуқсонлар ўзўзидан элдошларимизнинг руҳиятига таъсир кўрсатиши, ҳар хил бўлар-бўлмас гап-сўзларнинг кўпайишига, айниқса, имонимизнинг сустлашувига олиб келиши мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Чунки Оллоҳ ва халқ олдидаги муқаддас бурчни ҳар бир инсон чуқур англаган ҳолда бажариши зарур.

Яна бир нарсадан кўнгил хижил. У ҳам бўлса бизларнинг имконият майдонимиз ниҳоятда катта. Афсуски, ундан фойдаланишни билмаяпмиз. Ҳозир радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари ходимлари, академиялар, ижодкорлар уюшмалари, маънавият, маърифат марказлари фаоллари олдига халқимиз онги, руҳига бугунги кунда мамлакат Президенти қўяётган талабларни сингдириш вазифаси аллақачон қўйилган. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган одил ва оқилона сиёсат мағзини, тафаккурни бутунлай янгилаш зарурлигини, қолаверса, ислоҳот дегани одамлар руҳиятида ўзгариш бошланиши билан белгиланиши кераклигини англатади. Ахир эсланг, бир маҳаллар шўролар ўзларининг ёлғон сиёсатини халқ орасида қандай йўллар билан тарғиб этган эдилар-а. Бизларнинг йўлимиз эса Ҳалоллик йўли-ку! Уни халққа қанча тушунтирсак, таърифласак оз. Тўғри, йўл узоқ, маблағ масаласи оғир. Халқимизнинг асосий қисми олис қишлоқларда яшайди. Лекин қўлларимизда турли воситалар бор. Ана шуларни оқилона ишга солиш пайти келди. Бугун бепарволик қилсак, эртага ўзимиз мулзам бўламиз. Ортимиздан келаётган авлодлар олдида қарзимизни узайлик. Бу ёғи оғир йўлдан энди ўтиб олдик.

Қаранг, ҳаммамизни ҳушёрликка, фидойиликка, ҳалолликка чорлаётган дангал сўз айтилди: **«Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак»** Илоё, ВАТАН, ХАЛҚ, ҲАҚИҚАТнинг қиёфаси ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагида каттариб бораверсин!

Миллий иш майдони

БЕЧИҚИМ ИШЛАЁТГАН КОРХОНА

Бундан роппа-роса уч йил муқаддам Сергели туманида «Файз»-ЛТВ текстиль» ўзбек-венгр қўшма корхонаси ишга тушган эди. Корхонанинг жуда қисқа вақтда — олти ойда ишга тушишида ҳукуматимиз раҳнамолигини эътироф этиш жоиз. Шунингдек, бу Венгриянинг Самбатҳей шаҳридаги «Лакоштекстиль Валлалат» фирмасидан келган Иштван Шири раҳбарлигидаги бир гуруҳ ишбилармонлар билан маҳаллий кадрларнинг фикри-зикри муштараклиги натижасидир.

Қўшма корхона асосан юмшоқ мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарга турфа хил материаллар тўқиб чиқарди. Агар Ўзбекистонда мебелсозлик корхоналари, майда ҳунармандчилик билан шуғулланувчилар кўплиги, аммо мебеллар учун матолар тайёрловчи корхоналар йўқлигини ҳисобга олсак, унинг ўз вақтида очилганлигини пайқаш қийин эмас. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда ўрнатилган Германиядан келтирилган тўқимачилик ускуналарини ўзимизнинг маҳаллий кадрлар бошқармоқда. Хорижлик ишбилармонлар маҳаллий ёшларнинг жуда тез фурсатда уни уқиб олганлигини кўриб қойил қолишди.

Кунига 1300 квадрат метр турли хил ва рангдаги материалларни юзга яқин сергелилик моҳир ишчилар тўқимоқда. Улар хорижий дастгоҳларни моҳирона бошқариш билан бирга, бу ерда ишлаб мамлакатимиз мебелсозларига зарур бўлган маҳсулотлар чиқараётганидан фахрланадилар. Маҳсулотларнинг бир дақиқа ҳам омборларда қолиб кетмаслиги, ойига 35 минг квадрат метр мебелбоп материал ўз харидорини топаётгани ҳам иш суръатини янада оширишга ундайди. Шу боис, келгусида корхона кўламини кенгайтириш пайида саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

— Агар венгриялик ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқани ҳисобга олсак, бунга эришиш қийин эмас, дейди биз билан суҳбатда қўшма корхона бош директори Бахтиёр Азимов. — Ишончли ҳамкорларимиз биз учун керакли бўлган хом ашёни ўз вақтида етказиб бермоқда. Шунинг учун бир дақиқа ҳам тўхтаб қолганимиз йўқ. Келгусида мунтазам иш жараёнини давом эттириш ва кенгайтириш учун зарур хом ашёни республикамиздаги саноат корхоналарининг ўзидан таъминлаш йўлини ҳам қидиряпмиз.

Дарҳақиқат, енгил саноатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар тараққиёти кўп жиҳатдан ўзимизнинг хом ашёдан унумли фойдаланиб, уни қайта ишлашга боғлиқ. Корхонанинг Навоий-Азот ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорлиги ҳам юқоридаги муаммоларнинг ечимини топишга имкон яратади. Шу ўринда мазкур қўшма корхона ишлаб чиқараётган матоларнинг Хитой, Покистон каби давлатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан сифатлилиги ҳам унинг келажаги истиқболли эканлигидан далолатдир. Айниқса, «Картина», «Райно», «Биттити», «Бархид» каби ранг-баранг матоларга талаб ошиб боряпти. Ҳозирда туркиялик ишбилармонлар билан гулли мато ишлаб чиқариш режалари кўриляпти.

Қўшма корхонада ўз касбини мукаммал эгаллаб олган илғорлар кўпчиликни ташкил этади. Режани ортиғи билан адо этаётган моҳир тўқувчилардан опа-сингил Сайёра ва Санобар Комилжоновалар, Аня Князкина ҳамда ип тайёрловчи Надя Давединко корхона фахрига айланган.

— Маҳсулотларимиз Самарқанд, Андижон ва Хоразмдаги дилер дўконларимиз орқали очиқ савдога ҳам қўйилган, — дейди бош директор ўринбосари Светлана Гладишова. — Бу ўз навбатида кичик ва ўрта тадбиркорлик, оилавий ҳунармандчилик ишининг ривожига ҳисса қўшади.

Корхона цехларининг бирида тикув машинаси ўрнатилган. Унда Муяссар Тўлағанова чиқитлардан ошхона учун керакли анжомлар, ўриндиқлар учун кўрпачалар тикмоқда. Уйда ўтириб ишловчи ногиронларни ҳам шу ишга жалб этган корхона мутлақо бечиқим ишлашга эришмоқда. Бу ҳар икки томон манфаатдорлигини оширяпти. Шунингдек, бу ерда енгил машина ўриндиқлари учун қопламалар ҳам тикилади. Қўшма корхонадан чиқаверишда кўзингиз: Ҳалол меҳнатингиз учун ташаккур» деган сўзга тушади. Бу ҳам ишчилар меҳнати қадр-қимматига эътибордан далолатдир.

Пировардида «Файз-ЛТВ текстиль» ўзбек-венгр қўшма корхонаси Сергели туманида спортни ривожлантириш,, соғлом авлодни вояга етказиш учун спорт мактабларига ҳомийлик қўлини чўзмоқда. Бундан ташқари мактаблар, болалар боғчаларини таъмирлаш ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Хуллас эл-юрт равнақи учун савобли ишларни ҳар кун қилишга одатланган корхонада ўтиш даври муваффақиятлари кўзни қувонтиради. Қани эди, республикамиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотларда иш шу йўсинда ташкил этилса...

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАЛОВИНИ ТОПГАНЛАР

Тепловоз ва вагонларнинг эҳтиёт қисмлари мамлакатимизга олисдан ташиб келинар эди. Кейинги йилларда сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида бундай эҳтиёт қисмларнинг келиши деярли тўхтаб қолганди. Бироқ, темир йўл ишчи-хизматчилари эсанкираб қолишмади. Масалан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси Фарғона бўлимига қарашли Қўқон шоҳбекати депосида шундай зарур қисмларни ишлаб чиқариш, тепловоз ва вагонларни таъмирлаш, таъмир жараёнида янги ихтироларни жорий қилиш йўлга қўйилди.

Масалан, вагон депосида юк вагонлари ғилдираклари ни эритиб қуйиш мосламаси яратилди. Натижада ғилдирак қисмлари эндиликда шу ернинг ўзида эритиб қуйилмоқда.

Тепловозларнинг аккумуляторини батареясиз ишлатиш бўйича рационализаторлар таклиф қилган янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилгач, депо 6 минг АҚШ доллари ҳажмида иқтисодий самара кўрди. Дизель ёнилғисини тозалаш бўйича берилган таклиф жорий этилгандан сўнг эса қисқа муддатда 56 минг сўм иқтисодий самара кўрилди. Айни пайтда вагонларга техник хизмат кўрсатиш цехи, шунингдек, Қақир қишлоғидаги металл чиқитларидан турли эҳтиёт қисмлар тайёрлаш корхонасининг ҳам қуввати оширилмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маданият янгиликлари

ҲАВАСКОРЛАР СОЛДАТЛАР ҲУЗУРИДА

Боғдод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман маданият бўлимининг мудири Ғуломжон Убайдуллаев бошчилигидаги бир гуруҳ бадиий ҳаваскорлар катта концерт дастури тайёрладилар. Улар Жиззах вилоятининг қатор туманларида бўлишди. Шунингдек, аскарларга ҳам маданий хизмат кўрсатишди. Маъмиржон Расулов, Ёқуб Маҳмудов, Жаҳонгир Рустамовлар ижро этган куй ва қўшиқлар аскарлар олқишига сазовор бўлди.

КОНЦЕРТ ДАСТУРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Навоий вилояти бўлими, вилоят маданият ишлари бошқармаси, касаба уюшмаси кенгаши, шаҳар «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳашарчи-талабалар учун «Биз буюк юрт фарзандларимиз» деб номланган концерт дастури намойиш этди. Бундай қизиқарли дастур вилоятнинг «Навбаҳор» тумани Гигант жамоа хўжалигида ҳам меҳнаткашлар томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Мухтасархон КАРИМОВА.

Шифокор огоҳлантиради

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАНГ

Таносил касалликлари жинсий йўл билан юқадиган касталиклардир. У кишиларга жисмоний ва руҳий азоб бериб қолмай, ҳатто меҳнатга қобилиятсиз ҳам қилиб қўяди. Таносил касалликларига чалинган одамларнинг ярмидан кўпи дардни мастлигида юқтириши аниқланган. Айниқса касаллик фаол намоён бўлган босқичда хавфли ҳисобланади. Бироқ бемор шифокорга бормай, вақтни ўтказиб юбориши, ўз билганича даволаниши оқибатида дард зўрайиб, сурункали, яширин турига айланади. Шу бемор билан жинсий алоқада бўлган одам заҳм ёки сўзакни юқтириб олиши табиий. Шуни айтиш керакки, заҳм кишининг барча аъзоларини зарарлашга қодир бўлган сурункали касталикдир.

Заҳм юққан пайтдан бошлаб ўтган 30-35 кундан икки ой ва ундан ҳам кўпроқ вақт касталикнинг яширин давридир. Микроб тушган жойда яра пайдо бўлиши мумкин. У безовталаниш олиб келмайди, оғримайди. Шу сабабли бемор шифокорга мурожаат қилмайди. Худди мана шу даврда у атрофдагиларга хавфли ҳисобланади. Микроб қонга кўплаб туша бошлагач, барча аъзоларга тарқаб кетади. Кейинроқ эса терига ва шиллиқ пардаларга тошмалар тошади. Сўнгги йилларда заҳм кўзга ташланмайдиган, белгисиз кечмоқда. Шунинг учун касалликка шубҳа туғилганда тезда врачга мурожаат қилиш зарур. Сўзак ҳам кўп учрайдиган касталик. У ҳатто бепуштликка олиб келиши мумкин. Шу боис бундай касалликлардан эҳтиёткор бўлиш фақат ўз саломатлигингиз ва соғлом турмуш тарзингиз гаровидир.

Шоҳида ЖАЛИЛОВА.

Муносабат

ДЕҲҚОНЛАРГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

Ҳар куни Чилонзор метро бекатидан Фарҳод бозори томон борар эканман, йўл ёқасида қовун, тарвуз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб ўтирган деҳқонларни кўриб ўйланиб қоламан. Улар кузнинг салқин кечаларида чодирлар тагига похол тўшаб тунамоқдалар. Аммо бу деҳқонни совуқдан қутқара олмайди. Улар учун махсус бир-икки кишилик иссиқ чодирлар керак. Токи улар рўзғорни бутлаш учун олиб келган маҳсулотларини бемалол сота олсинлар. Умуман деҳқонлар учун шаҳарликлар, айниқса мутасадди ташкилотлар қайғуриши лозим.

Бундан ташқари, тадбиркорларга ҳам эътирозимиз бор. Улар деҳқонларимиз ҳақида кўпроқ ўйласалар бўларди. Айниқса, мева етиштираётган боғбонлар, ширин-шакар қовун-тарвуз етиштираётган дала меҳнаткашлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб чет эл технологияси асосида шакар етиштиришни тезроқ йўлга қўйсалар, халқнинг олқишига сазовор бўлар эдилар.

Шакар-ўзбекнинг оиласида энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулот. Ҳозир унинг нархи ошгандан сўнг мевалардан шакар олиш йўлини тезроқ амалга ошириш лозим. Туман раҳбарлари бунга эътибор беришлари зарур. Ахир, бошқа республикалар аҳолиси биздаги хилма-хил ширин-шакар меваларни кўриб, ҳавас қиладилар, нега биз оддий шакар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаймиз? Шанба, якшанба кунлари поездда Қозоғистон, Россиянинг бизга яқин шаҳарларидан махсус қовун-тарвуз, узум сотиб олиш учун одамлар келадилар. Улар биздаги меваларни кўриб қойил қолдилару, иккинчи томондан шакар аҳволини кўриб ҳайрон қоладилар.

Тадбиркорлар деҳқонларга ёрдам беринг! Улар бозордаги кўчаларда ойлаб, ҳафталаб маҳсулотини сота олмай қийналиб юрмасинлар. Уларнинг ҳам оиласи, бола-чақаси йўлларига интизор. Деҳқон тезроқ уйга қайтиб борса, даласида, томорқасида қиладиган ишлари кўп.

Бас, шундай экан, деҳқонларга қўлдан келган ёрдамни берайлик.

Эргаш УМАРОВ.

Ўзбекистон бозорлари. А. ПАРДАЕВ олган сурат.

Иқтисод ва самарадорлик

ТЕЖАМКОР МАШИНИСТ

Марғилон депосининг машинисти Валижон Исматуллаев республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги юбилейи арафасида 6 тонна дизель ёнилғиси иқтисод қилишга сўз берган эди. У ўз сўзидан чиқди. Бригадаси ҳам бугунгача 22 тоннадан зиёдроқ ёнилғи иқтисод қилиб, депода ғолиблик қилмоқда.

— Валижон, мен бир нарсага ҳайронман, — дейди унга бир куни депо машинистлар инструктори Абдуллаев. — Қандай қилиб бу қадар кўп ёнилғи тежадингиз?

Валижон инструктор билан Қўқон томонга рейсга чиқди. Сафар яхши тугади. Улар белгиланган манзилга 10 минут илгари бориб, қарийб 300 килограмм ёнилғи тежаб қолишди.

— Энг замонавий локомотивларда 30-35 фоиз ёқилғини тежаб қолиш мумкин, — деди В. Исматуллаев ўшанда ҳамкасбига юзланиб. — Ҳамма вақт йўл очиқ бўлса, поезд муттасил илгарилаб турса, ҳатто бундан ҳам кўпроқ ёнилғи иқтисод қилса бўларкан...

— Дуруст, бўлди, ишондим, — деди суҳбатдоши унинг елкасига қўлини қоқиб. — Қойил, сиз йилнинг ўтган 9 ойи ичида 22 тонна ёнилғи тежаб қолибсиз. Балли-е, сизга. Бу Ўзбекистон темир йўл шароитида жуда яхши кўрсаткич.

Марғилон депосида Валижон Исматуллаевни моҳир устоз, ғамхўр ва мураббий сифатида ҳам чуқур ҳурмат қилишади. Ҳозирги кунда биринчи тоифали машинистлар А. Иброҳимов, Р. Мусахонов, М. Ҳалилов, Б. Валиевлар оғир поезд бошқариш сирларини дастлаб В. Исматуллаевдан ўрганишган. Улар ҳам унинг изидан бориб, йил бошидан буён 8-9 тоннадан зиёдроқ ёнилғи иқтисод қилаётир. Тежалган ёнилғи ҳисобидан 3-4 марта рейс қилиб, ўн минглаб халқ хўжалиги юкларини ташиб бердилар.

Т. ҲАМИДОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг жамоатчи мухбири.

ТАЛАБАЛАР НИЯТИ ХОЛИС

ТОШКЕНТ Давлат дорилфунуни маданият саройида Халқаро талабалар кунига бағишланган кеча бўлди. Тадбирни Узбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси қошидаги халқаро «Ёшлик» секцияси раиси Тўлқин Миркомилов кириш сўзи билан очди. УР ХАМА раиси М. Мирқосимов, ЮНЕСКО ишлари бўйича Узбекистон миллий комиссиясининг масъул котиби А. Икромов ва бошқалар ёшларнинг дўстлиги, ҳамкорлик ва ҳамфикрлиги ҳақида мулоҳаза юритдилар. Кечада ҳинд, турк, непал ва узбек тилларида қўшиқлар янграб, оҳанглар таралди.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Мулоҳаза

ТЎЙЛАР АЗАҒА АЙЛАНМАСИН

Жиззах шаҳрида тарқалган хабар кўпларнинг вужудини титратиб юборди. Шаҳарликлар тўй пайтида содир бўлган бу воқеани эшитиб, «ё астағфурулло», дея ёқа ушладилар. Туф-туф дея кўксига пуфладилар.

Дарвоқе, тўй пайти ЗАГСга отланган йигит-қизлар, яъни келин-куёвнинг яқин дўсту дугоналаридан бир қисми ажралиб, бир машинада келиннинг дугонасини ташлаб келишга кетишади. Бироқ катта карвондан айрилиб қолган бу машинадагилар унга етиб олиш илинжида тезликни оширадилар. Асосий йўлга шу қадар тез чиқишадики, натижада, ён тарафдан келаётган машинага рўпара бўлишади.

Даҳшатли фалокат тўйни азага айлантирди. Ширин дамлар мунгли ғамларга алмашди. Фалокат дея айримлар таскин беришди бир-бирига. Бироқ, бир йўла беш инсоннинг ёстиғи қуришига сабаб бўлган бу воқеани ҳар ким ўзича талқин қилди. Кимдир ҳайдовчини ичганга йўйди. Бошқа биров маҳалла қўмитасидагилар, тўй раислари бунга қараши керак эди, дейишди. Таъна тошларининг бир чети Давлат автомобиль назорати ходимларини ҳам четлаб ўтмади.

— Бўлган мудҳиш воқеани бўлар иш бўлди-да, деб шарҳлаш, бундай нохуш воқеалар содир бўлишининг олдини олмаслик ноинсофлик бўлади-дейди шаҳар ИИБ ДАН бошлиғи, милиция майори Жўрақул Расулов. — Биз дарҳол махсус хат тайёрлаб вилоят ҳокимлигига чиқдик. Улар фикримизни қўллаб-қувватлади. Бундан буён тўйларда ЗАГСга борадиган машиналар сони чекланадиган бўлди.

Ҳаммани тўйларга етказсин. Ҳеч бандани уни кўришдан, элга тўй беришдан мосуво этмасин. Лекин бир кунлик тўй-томошони, шод кунни, хушнуд дамлару ушалган орзуларни мароқли ўтказиш, маромли нишонлашда ҳам гап кўп. Ахир меъёрда файзу барака, хайрли хосият бор. Шу боис, тўйларда кўп ароқ бериш, чеку-чегарадан ошириб меҳмондорчиликлар уюштириш ва юқоридагидек дову даскалар билан 20—30 машинани ЗАГС га олиб бориш ҳам яхши иш эмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Афсуски, аянчли қисматлардан сўнггина биз буни тушуниб етяпмиз.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Ажабо

ОТАХОН «ВОЛГА»СИНИ МИНАДИМИ?

Хонамга энди кираётгандим. Бир қария беозоргина бош суқди.

— Мумкинми, ўғлим?

Отахонга пешвоз чиқдим. Чол қисқагина дуо ўқиди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнг у эскирган сумкасини титиб, ичидан бир даста қоғоз чиқарди.

— Ҳаммаси шу ерда ёзилган. Газетадан умид қилиб келдим.

Қария шундай дея қоралланган варақларни узатди. Уни ўқийман.

«Елкамда 44 йил халқимга ва Ватанимга қилган хизматимнинг юки бор. Худога минг қатла шукурким, эл-юрт олдида юзим ёруғ. Кўзимнинг гавҳари равшан. Фақат охирги пайтда ишга ярамай 2 гуруҳ ногирони бўлиб қолдим.

Баъзан инсонга омад ёр бўладию кимдир унинг йўлига ғов бўлиб парчалаб ташлайди. Кўриб-билиб ҳеч нарса дея олмаймиз. Менинг хат ёзишимга ҳам шу иллат сабаб бўлди.

1990 йил собиқ СССР даврида давлатнинг 3-процентли 91-сонли облигациясининг 215326 серияли заёмига энг катта ютуқ 25000 сўм чиқди. Худо берди деб ўйладим. Ўша даврда ютуқ чиққан пулга ГАЗ 24 «Волга» автомашинасини сотиб олиш мумкин эди. Мен барча тегишли ҳужжатларни ўғлим Баҳриддинов Асомнинг номига расмийлаштирдим. Лекин ҳозирга қадар машинани ололганим йўқ. Сабаблари турлича. Лекин ўша «Волга»ни олишим керак. Мен шу бугунга қадар алоқадор ташкилотларга бир неча бор ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилдим. Лекин натижа боз-бояги».

Шундан кейин Зомин туманидаги Ўзбекистон кўчаси, 10-уйда яшовчи аризачи — Самариддин Баҳриддинов мурожаат қилган ташкилотлари йўллаган жавобларга эътиборни қаратди.

«Ўзбексавдо» концерни 1991 йил 4 июль 03-01 2-1274 сонли хатида Ўзбекистон Республикаси «ГАЗ» автомарказига 1982 йилги давлат ички ютуқ заёмига чиққан 25000 сўм ютуқ эгаси фуқаро Баҳриддинов Асомга 1992 йил фондидан битта «Газ-24-10» маркали автомашинасини сотиш тўғрисида топшириқ берилган. Бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра шу пайтгача «Газ -24-10» маркали автомашина автомарказ томонидан ютуқ эгасига ажратилмаганлиги сабабли баҳолар ўртасидаги фарқни айбдор шахсларга юклаб эгасига автомашина олиш ҳуқуқини бериш керак.»

— Молия вазирлигидан 1993 йил 27 февралда юборилган бу хатдан анча таскин топдим, дейди С. Баҳриддинов. — Лекин вақт ўтмоқда эди. Хавотирланиб яна мурожаат қилдим. Шу вазирликдан 1993 йил 28 майда ҳафсалани пир қиладиган жавоб келди.

«Горький автозаводи 1990 йил Ўзбекистон фондидаги «Волга»дан 119 та кам юборгани туфайли заёмда автомобиль ютганлардан қарз бўлиб қолинди...

1991 йил фондидаги 156 автомобилдан эса завод бор-йўғи 90 тасини юклаган. Натижада сизга машини сотиш имкони қолмаган»

Етмишни қоралаган отахон йиллар ўтавергач қайси идорага кирмасин шу тарздаги жавобга дуч келаверди. Унинг «Фонд тўлиқ берилмаганига менинг айбим нима», деган саволи очиқ қоларди. Бора-бора С. Баҳриддинов Молия вазирлиги ва «Ўзбексавдо» уюшмасидан қатъиятнома олди. У 1995 йил 13 февралда ёзилганди.

...»1992 йилдан бошлаб давлатнинг 3 фоизли ички ютуқ заёми ютуқларига автомашиналар «Ўзбексавдо» ҳиссадорлик уюшмасига ажратилмаган. Улар шартномага асосан эркин нарҳларда сотиляпти. Шунинг учун, заёмнинг ютуқ пулига сиз сўраган ГАЗ -24 «Волга» автомашинасини ажратиб бериш имкони йўқ».

— Шундан кейин чўкиб қолгандек бўлдим, дея афсусланади отахон. — Катта бир давлатда наҳотки мен қариягагина «Волга» етмаса, деб руҳим чўкди. Тўғри, ўзимдаям айб бор. Одамларга ишондим. Ўзлари келтириб берадилар дедим. Фурсат ўтиб кетди. Энди билсам, хом ўйлабман экан. 25000 сўм ҳозирги кунда битта бузоқ олишга ҳам етмаслиги сир эмас. Илгари бу пулга 20та сигир берар эди.

Уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийси бўла туриб назардан қолдиммикан. Бўлмаса Зомин туманимиз атрофида мендан кейин шундай ва шу каби ютуқ ютганлар ўз машиналарини ялтиратиб миниб юрибдилар. Йўқ, бу ҳасад эмас, ҳавас.

Ўйлаб қолади киши. Наҳотки отахон энди ютуққа чиққан «Волга»сини ололмайди?! У куйиб қолаверадими?

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЗИР ИШДАН БЎШАТИЛМАДИ

РИМ. Италия Бош вазири Романо Проди мамлакат жамоат ишлари вазири Антонио Ди Пьетро истеъфосини қабул қилмади ва Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Ди Пьетро аризасини қўллаб-қувватламасликка чақирди.

Бир қаращда оддий ҳодисага ўхшаб кўринган бу воқеа Италияда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Маҳаллий газеталар буни аввало Антонио Ди Пьетро шахси билан боғламоқда.

Маълумки, Антонио Ди Пьетро Италиянинг юқори органлари ва ишбилармон доиралардаги коррупцияга қарши кураш бўйича ўтказилган йирик тадбирнинг энг фаол аъзоси бўлган эди. «Тоза қўллар» деб номланган ушбу тадбир натижасида 100 дан зиёд ҳукумат аъзоси, сиёсатчи ва ишбилармон ўз мансабини суиистеъмол қилишда айбланиб, ҳибсга олинган.

Энди эса Антонио Ди Пьетрога нисбатан Брешия шаҳар прокуратураси жиноий иш қўзғаган. Бундай исндога чидай олмаган Антонио Ди Пьетро истеъфо беришга мажбур бўлди. Лекин вазирга қўйилган айб ҳозирча сир сақланмоқда.

ТЎСИҚЛАР ОҚИБАТИДА КАМОМАД

ВАШИНГТОН. АҚШ молия вазири Роберт Рубин ўтган йили Америка-Хитой савдо алоқаларида Американинг умумий камомади 33,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этганини таъкидлади. У бу ҳақда Америка-Хитой ҳукуматлараро иқтисодий комиссиясининг Вашингтондаги мажлиси чоғида маълум қилди.

АҚШ молия вазирининг фикрича, мазкур камомад Хитойда импорт товарларга нисбатан жорий қилинган тўсиқлар оқибатида вужудга келган. Роберт Рубиннинг фикрича, айнан шу сиёсат Хитойнинг жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига қабул қилинишига тўсқинлик қилаётир.

ЭЛАТЛАРАРО УРУШ ТЎХТАЙДИМИ?

НЬЮ-ЙОРК. Ниҳоят Зоир шарқидаги элатлараро урушни тўхтатиш умиди пайдо бўлмоқда. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг йиғилишида Шарқий Зоир можароларини бартараф этиш учун махсус резолюция қабул қилиш масаласи ёпиқ эшиклар ортида кўриб чиқилган. Маълумки, мазкур резолюция уруш бўлаётган ҳудудга БМТнинг кўпмиллатли қўшинларини жўнатишни назарда тутади.

Шу пайтта қадар, АҚШ ва Буюк Британия мазкур резолюциянинг қабул қилинишига тўсқинлик қилаётган эди. АҚШ мудофаа вазири Уильям Перрининг хабар беришича, Оқ уй маъмурияти АҚШ ҳарбийларининг кўпмиллатли кучлар таркибида ҳаракат қилишига розилик берган, лекин бу ҳақда ҳали узил-кесил қарорга келингани йўқ.

Канаданинг қуруқликдаги қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Морис Бари БМТ кучларининг вазифасини маълум қилди. Унга кўра, кўпмиллатли кучлар бир миллиондан зиёд қочқинга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш билан шуғулланади, холос.

МАРАДОНА ЭНДИ ТЎП СУРМАЙДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадона оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Аргентина суди унинг агенти Гилерма Копполни қалбаки кўрсатмалар асосида ноқонуний равишда наркотик моддалар савдоси билан шуғулланганликда айблаётир.

Бу ҳам етмагандек, Д. Марадона 1994 йили бешта мухбирга қарата ўқ узгани туфайли унинг устидан жиноий иш қўзғатилган. Маълумотларга қараганда, футбол юлдузи тўрт йилгача озодликдан маҳрум бўлиш эҳтимоли бор.

У мухбирлар билан суҳбатда бундан буён тўп сурмаслигини маълум қилди.

ЖАҲОН БИЗНЕСИГА ТААЛЛУҚЛИ КИТОБ

«Зюддойче Цайтунг» газетаси голландиялик мултимиллиардер Алфред Хайнекеннинг биографиясига бағишлаб чиқарилган китоб ҳақида мақола эълон қилди. Газетанинг фикрича, ушбу китобнинг дунёга келиши жаҳон бизнесининг барча кўзга кўринган вакилларига тааллуқли ҳамма нарса билан боғлиқ. Бундан олти йил аввал машҳур пиво пишириш фирмаси асосчисининг тўла биографиясини ёзган журналист Барбара Смит миллиардер томонидан бир неча бор таъқиб қилинган. Миллиардернинг норозилигига Хайнекеннинг отаси ичкиликбозлик билан шуғулланганги ва унинг энг севимли машғулоти — исловатхоналарга тез-тез бориб турганлиги китобда эслатиб ўтилганлиги сабаб бўлди. Китоб ёзилиб бўлгандан сўнг Барбара Смит бир неча бор таъқибга учради, китобни босиб чиқармоқчи бўлган нашриёт эса у дунё юзини кўрмаслиги учун Хайнекен томонидан сотиб олинган. Шунингдек, газетанинг таъкидлашича, журналист аёлни таъқиб этишда Хайнекеннинг дўсти, Британиянинг «Дейли Телеграф» газетаси хўжайини Конрад Блейк ҳам ёрдам берган. Чунки кўпгина нашриётлар унинг ёрдамида сотиб олинарди-да.

ФАШИСТЛАР ХАЗИНАСИ ҚАЕРДА?

«Цюрихер Тагесанцейгер» газетаси миллатчиларнинг хазиналари қаерда жойлашганлигини тадқиқ этишга бағишланган материалларини давом эттирмоқда. Бу бойликлар иккинчи жаҳон урушининг охирларида ғойиб бўлган эди. Газета экспертлари «Нувел Обсерватер» журналига асосланиб маълум қиладиларки, яқинда 1991 йили шундай тадқиқот ўтказган француз-англо-америка комиссиясининг махфий қўшма маърузасини топиб олишган. Ушбу маърузага кўра, олиб чиқиб кетилган бойликлар тақсимланган ва Европанинг тўққизта мамлакатида яшириб қўйилган. Ҳужжатда белгиланишича, айни пайда Францияда немислар томонидан ўғирлаб кетилган 144 тонна олтин бор. Люксембургда уч тоннага яқин, Нидерландия ва Австрияда етмиш тоннадан олтин яширилган. Бошқа бойликлар эса тенг тақсимланиб, улар Швейцария, Швеция, Испания ва Португалияда беркитиб ташланган.

ШАХТАДА ФОЖИА ЮЗ БЕРДИ

СИДНЕЙ. Австралиянинг Янги Уэльс штатидаги шахталарнинг бирида фожиа юз берди. 120 метр чуқурликда ишлаб турган экскаватор, сув тўлдирилган эски коннинг деворини тўсатдан тешиб юборган. Кучли сув оқими натижасида тўрт нафар киши ҳалок бўлди.

Гарчанд Австралия шахталари хавфсизлик техникаси билан машҳур бўлсада, бу хил бахтсиз ҳодисалар ҳар замонда рўй бериб туради. Масалан, 1902 йилдан буён мамлакатда 280 нафар кончи бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмган.

ҚАБРИСТОНДАГИ БОМБА ПОРТЛАТИШИДАН МАҚСАД НИМА ЭДИ?

Ирландияда чиқадиган «Айриш таймс» газетаси Москвадаги Котляров қабристонида юз берган бомба портлатиши ҳақида мақола эълон қилди. Ушбу мақола муаллифининг фикрича, бу қўпорувчилик ҳаракати Кремлдаги ўзига хос жазавалар қаторида туради ва Президент Ельцин кўзидан йироқдаги ҳокимият учун курашнинг давомидир. Муаллиф ушбу ҳаракат бевосита ички ишлар вазири Куликовга қарши қаратилгандир, деди. Аввало вазирдан «бошқариб бўлмайдиган» генерал Лебедни Кремлдан олиб ташлашда фойдаланишди. Фош этилмаган шовқин-суронли жиноят эса Куликовнинг ўзини олиб ташлаш учун баҳонадир. Бундан ташқари, деб ёзади муаллиф, террорчилик ҳаракати бевосита Куликовнинг раҳбари, Бош вазир Черномирдиннинг тақдирида ҳам акс этиши мумкин. Зеро, швециялик сиёсатшунос Андрес Аслунд уни «олиб бораётган сиёсати ҳалокатга олиб борувчи нимжон раҳбар» деб атади.



ЛУКАШЕНКОНИНГ СЕРҒАРАЗ НУТҚИ

Буюк Британиянинг «Таймс» газетасида Белоруссия Президенти Александр Лукашенконинг Россия Давлат Думаси депутатлари ҳузуридаги нутқига бағишлаб мақола эълон қилинди. Газета таъкидлашича, ўзининг сергараз нутқи давомида Лукашенко «Совуқ уруш руҳини қўзғатди». Бу билан у Россияни тезроқ бирлашишга ва республикада қолган ядро қуролининг барчасини НАТОга қарши қаратиш билан дўқ урди, деб ёзади «Таймс». Белоруссия, Қозоғистон ва Украинанинг шу йил охиригача тўла қуролсизланиб, барча ядро қуролларини Россияга топшириш ҳақидаги ваъдалари, ҳар қалай бажарилмайдиганга ўхшайди. Александр Лукашенконинг сўзларига кўра, биргина Белорусь Республикаси ҳудудида талайгина СС-25 ракеталари мавжуд. Уларнинг тақдири НАТОнинг Шарққа қараб кенгайиши сиёсатига боғлиқ. Мақола муаллифининг фикрича, Лукашенко тўла истиқболли сиёсатчи. Агар у Конституцияга ўзи киритган тузатишлар ва қўшимчалар тасдиқланишига эришса, бу шубҳасиз, унга янада катта ҳокимият келтиради.

«МОРЕНА КЛАРА»НИНГ ҚАВМЛАРИ ТАЪҚИБГА УЧРАДИ

КАРАКАС. Венесуэла марказининг Боливар майдонида машҳур «Морена Клара» фильми қаҳрамонларидан бири Кларанинг қавмлари — кўча савдогарлари полиция томонидан қаттиқ тақибга учради. Тўқнашув чоғида 9 киши оғир тан жароҳати олди. Улар орасида бир телевидение мухбири ва полициячи ҳам бор.

Полиция вакилининг таъкидлашича, савдогарлар иш вақти тугаганига қарамай, ҳокимтўра Антонио Ледесменинг шахсан ўзига талабнома топшириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги биносига бостириб кирмоқчи бўлганлар. Шундан сўнг Кларанинг ўжар қавмлари устига кўздан ёш оқизувчи газ пуркашга тўғри келган.

Афтидан Каракасда ҳамон Лисандро Прадолар қўли устун кўринади.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

• ВАШИНГТОН. Давлат котиби Кристофер Вашингтондан Қоҳирага жўнаб кетди. Шундан сўнг у Парижга ҳам боради. У Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак, Фаластин раҳбари Ёсир Арафот ва Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви билан учрашди. Учрашув давомида тинчлик жараёни билан боғлиқ масалалар, чунончи Хеврон муаммоси муҳокама қилинди.

ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ

• ПАРИЖ. Уоррен Кристофер Парижда тинчлик шартномаларини амалга ошириш кенгашининг раҳбарлари билан учрашади ва Яқин Шарқда тезроқ тинчлик ўрнатиш бўйича мажбуриятларни бажаришга даъват этади, деди давлат департаменти расмий вакилининг ўринбосари Глин Дэвис.

АҚШ-СУДАН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА

• НЬЮ-ЙОРК. «Вашингтон пост» газетасида Вашингтон Судан ҳукуматини ағдариб ташлашга интилмоқда, деган хабарлар нотўғри, — деди Глин Девис, — Гарчи Эфиопия, Эритерия ва Угандага ҳарбий ёрдам берилаётган бўлсада ушбу хабар ёлғон - яшиқдан иборат.

ҲИНДИСТОНДАГИ АВИАҲАЛОКАТДАН КЕЙИНГИ ТАШВИШЛАР

• ДЕҲЛИ. Қўшма Штатлар Ҳиндистондаги авиаҳалокат тўғрисида матбуотда эълон қилинган хабарларни диққат билан кузатмоқда. Ҳозирча Вашингтондагилар бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида тўла маълумотга эга бўлмасалар-да бироқ АҚШнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ҳалокатга учраган самолётларда Америка фуқаролари бор-йўқлигини билишга уринаётирлар.

ХИТОЙДА ЯНГИ САМОЛЁТЛАР

ПЕКИН. Келгуси йилдан бошлаб Хитойда йўловчи ташишга мўлжалланган МД-90 самолёти ишлаб чиқарила бошлайди. Самолёт Хитой авиасаноати билан АҚШнинг «Макдоннел-Дуглас» корпорацияси ўртасида тузилган шартнома асосида Шанхай шаҳридаги самолётсозлик корхонасида йиғилади.

Шунингдек, Хитой ҳукумати Франция, Италия, Буюк Британия ва Сингапур давлатлари билан ҳамкорликда «Аэробус-100 АЕ» самолётини ишлаб чиқариш тўғрисидаги лойиҳани имзолади.

ҚИРҚ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ «УЧРАШУВ»

Яқинда Бошқирдистоннинг Ермекеев туманига қарашли Приютов қишлоғида яшовчи қария Василийнинг ёшлигини эслатувчи воқеа содир бўлди.

Гап шундаки, бир куни қария Ик дарёси бўйида ўтирган эди. Дарё қирғоғига бир хода оқиб келди. Унда нимадир деб пичоқ билан ўйиб ёзилган эди. Василий қизиқиб қолиб, ходани дарёдан тортиб олди ва ёзувни бир амаллаб ўқиди. Буни қарангки, ходага унинг исми зоҳир этилганди. Аввалига хайрон бўлди, ким ёзган экан, деб. Сўнг эсига тушди - ёшлигида, яъни бундан қирқ йил муқаддам - ёғоч оқизувчи бўлиб ишлаб юрганида бу ёзувни ўзи ёзган эди ва бошқа ходаларга қўшиб Туймазин тумани томон оқизиб юборган эди. Бироқ «бахтга қарши» бу хода оқиб кетмаган экан. Мана энди у ўз «эгаси»нинг ҳузурига оқиб келиб ўтирибди.

Чол ходани уйига судраб олиб бориб қўйди. Энди ходада ёшлигини эслаб ўтирибди.

БУЙРУҚ 1918 ЙИЛДА ЧИҚҚАН, МЕДАЛЬ ЭСА БУ ЙИЛ БЕРИЛДИ

Отто Бишоф бу йил 97 ёшга тўлди. Шу ёшида у 1918 йили Арригондаги жангда қаҳрамонлик кўрсатгани учун медаль билан мукофотланганди. Бу воқеа кўпчиликнинг ёдида қоладиган бўлди.

Гап шундаки, ҳарбий маъмурият Отто Бишофни мукофотлаш учун 1918 йили буйруқ чиқарган. Бироқ бу буйруқни амалда бажариш эса дарҳол унутилди. Ва бу унутиш 78 йил давом этди. 1996 йилга келибгина ушбу буйруқ ҳақида эслаб қолишди ва дарҳол буйруқни амалда бажаришди.

ҚОҒОЗСИЗ ГАЗЕТА

Ҳозир Япония технологияси зўрлигини ҳамма яхши билади. Яқинда у ерда дунёда биринчи марта қоғозсиз газета жорий этилди. Эндиликда Токио ва унга қўшни бўлган олтита префектура аҳолиси эрталаб газета олиб, ёки тиқилинч транспортда газета варақлаб ўтиришмайди, фақат чўнтагидан электрон таблолик «приёмник»сифат қутичани олиб, тугмасини босса бас, газета ахборотлари ёзуви таблодан бир-бир ўта бошлайди.

Бутун бир газета ҳажмидаги ахборотлар ҳар кун эрталабки соат 6 да газета обуначиларининг уйига телеканал орқали «қутича-газета»нинг хотирасига «жўнатилади». Газетхон эрталаб «қутича-газета»ни хотирасига улаб, ахборотлар билан «заправка» қилиб олса бўлди, олам гулистон. Дарвоқе, унинг бир марталик «заправка»сига ярим миллион-гача иероглиф «сиғади».

Ҳукм ўқилди

КАМИШЗОР УЗРА ЖИНОЯТ

Оддий кунларнинг бири. У рўзғор ташвишига ҳозирлик кўрди. Гаражни очиб, «тойчоғини» кўздан кечирди. Мойини текшириб, бензин солди. Ҳар гал такрорларди буни.

— Бир айланиб келайлик, қадрдон.

Адҳамжон доимо шундай дея машинасининг моторини юргизарди. Сўнг орадан хиёл вақт ўтиб-ўтмай оқ «Жигули»сини дарвозадан ҳайдаб чиқарди.

Киракашликнинг этагини тутган Адҳамжон Тошкентдан узоққа қатнашнинг ҳадисини олганди.

— Четга бориб келсам кайфиятим кўтарилади. Узимни енгил сезаман.

Дўстлари, танишлари Адҳамжоннинг бу гапини ўзларича талқин қилардилар.

— Афғон урушининг даҳшатидан ўзини шу йўл билан чалғитса керак-да йигит бечора.

Тақдир экан. Адҳамжон ҳарбий хизмат катта лейтенанти сифатида Аму ортида бўлди. Афғон даҳшатларини кўрди. Умридан бор экан. Соғ-омон қайтди. Узининг суйган касби — мусиқачиликни давом эттирди. Фарзандли бўлди.

— Бош вақтимда киракашлик қилсам. Уй-жой сотиб олармидик. Қачонгача энди... Қисилиб яшаймиз.

Насиба турмуш ўртоғига қараб оғиз жуфтлаганди, Адҳамжон қўшиб қўйди.

— Машинам ёмонмас. Панд бермайди. Узимга гап йўқ. Тетикман. Спортнинг классик тури билан шуғулланганимни биласиз-а.

Асл эрининг ишорасини тушунди.

— Бошингиз омон бўлса, ниятимизга эришамиз, адаси.

Шу тариқа Адҳамжонда бош вақт қолмади ҳисоб. Йўловчиларнинг ҳожатини чиқариб юрди. Ана-мана дегунча 500000 рубль йиғибди, денг.

— Ўғрилардан чўчийди киши. Биронтаси киракашнинг давлати мўл деб, шийдон қилмасин тағин.

Эр-хотин бу муаммониям ҳал қилдилар. Пул машина юкхонасининг эҳтиёт балони қўйиладиган жойда сақланаверди.

1992 йилнинг 21 ноябри. Мижоз излаган Адҳамжон Мирзараҳимов Т 41-02ТН давлат белгили «Жигули»си рулини аэропорт томон бурди.

* * *

... Бир кун илгари эди. Яъни 20 ноябрь. Адҳамжон Мирзараҳимов рўзғор тебратиш тараддудини кураётган паллада Наманганнинг Чуст шаҳрида илгари кўп бора судланганлар томонидан режа тузиларди. Уларнинг ниятлари бузуқ, йўллари қора, кўзлари қонга тўлганди.

— Ҳаммамиз «ўтириб чиқдик», писиб юраверсак нимага эришамиз? Ҳозир отини қамчилаган ютади. Қўл қовуштиришлар етар. Ҳамёнда бир мири йўқ-ку...

Шавкат Боқиев «қадрдонларига» кўз қирини маънодор ташлади.

— Шеф! Бу ёғи тушунарли. Биз англадик. Лапашанглардан эмасмиз. Таклифни айтинг. Фақат муллажиринги чўглироқ бўлсин.

Бахтиёр Мирзаумедовнинг «доно»лиги «шеф»га маъқул тушди.

— Офарин, биродар. Фаҳмли дўстларнинг садагаси кетсанг арзийди. Хуллас, «овга» чиқамиз. Тошкентга борамиз.

Ҳалитдан жим ўтирган Рустам Раҳмонов тилга кирди.

— Нима қиламиз у ёқда?

Худди шу саволни кутаётган «шеф» ишлаб чиқилган режанинг индаллосини маълум қилди.

— Ичимсиз-да «устоз». Дилдагини айтдингиз-а. Қойил, бизни уйлайдиганлар бор экан-ку. Шу дардда куйиб адо бўлдиг-у.

Мактабни амал-тақал битиргану суднинг тўрт йилик таълимини олишга улгурган Собиржон Зоҳидовнинг эътирофи бир ёқадан бош чиқарган қора гуруҳга мойдек ёқди.

— Яна қайтараман. Яшаш қийин бўлиб қолди. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Мушт бўлсак роҳатда ўтади умримиз. Қисқаси, сенларга бир оталик қилай, дедим. Ўшанда белинг бақувват бўлади.

«Мажлис»ни якунларкан Шавкат Боқиев бармоқларини бир-бирига ишқалади.

— Ҳамиша шундай мушт бўлиб юрайлик.

Дарров йўл тараддуди кўрилди.

— Сафар харажати каминадан. Соққам йўқ, деб ўйламанглар.

Шавкатнинг «қўли очиқлиги» шерикларини янада ром этди. Зумда эшик олдида «Москвич» келиб тўхтади. У «шеф»нинг қариндоши Журабек Шароповга тегишли эди. Шериклар уриндиққа ўрнашишгач, Журабой «газни» босди.

Тошкентга етишгунча оғизлар тинмади. Ўғрилик қилганларими, оғир жиноятга қўл уриб жазоланганлари бўлсин, ҳамма-ҳаммасини бир-бирларига сўзлашди.

— Ҳеч ким менчалик бўлолмайди.

Буни «шеф» мағрурланиб айтдими? Афсусда гапирдига тўпландилар. Бузуқ ниятда у ёқ-бу ёққа разм солишди. Уларнинг эътиборини «далний»га кетадиган растада турган оқ рангдаги «Жигули» тортди. Бу эрталабдан бўён мижоз кутаётган Адҳамжон Мирзараҳимовнинг «тойчоғи» эди.

— Ана, бизга аталгани. Келишимизни кутиб ётибди. Ўша билан гаплашинглар. Узимизбоп экан. «Овни» шундан бошлаймиз.

«Шеф» шундай дея маъноли кўз қисди.

* * *

Шавкат Боқиев қора гуруҳнинг «табарруги» эди. «Қадрдонлари»дан 8 ёш катта. «Тажрибасиям» катта. Аввал, бир неча бор жиноятлар содир қилган. Ахлоқ колонияларида бўлган. Жисмонан бақувват. Буни гуруҳ аъзолари билганлари ҳолда унинг атрофига бириккан эдилар. Ўша сабабдан «доно» ташкилотчи — Шавкат уюшган гуруҳда катта мавқега эга бўлиб, унинг айтгани қонун, топшириги бурч эди.

— Ако, Номонгонга, Косонсой томон бормайсизми? Аммо яхши тўлаймиз.

Кун бўйи кутишдан толиққан Адҳамжон мижоз чиққанидан кўнгли ёришди.

— Савдомиз битса боравермиз-да...

Шофёрдаги мойиллик Бахтиёр Мирзаумедовни баттар умидлантирди. Қолаверса «шеф»нинг олдида узини кўрсатиш пайти келганини сезди. 10000 рубль беражагини айтиб, Адҳамжонни кўндирди. Хиёл ўтмай уриндиқлари тўлган «Жигули» Наманган томон йўл олди...

Инсон ҳар нарсага қодир. Ҳар қандай жонзоддан заковатли. Инсон бир-бирига нисбатанчи? Баъзида меҳрли. Баъзида жоҳил, баттол. Баъзан вақшиий ва ундан-да баттар. Аммо унинг хулқи, кўнглидаги раҳмсизлик юзкузидан билинса экан. У минг чандон ёвузу барибир одам қиёфасида-да. Қиёфаси инсонники, бироқ, дили нопок, макр ботқоғига қоришган шайтонваччалар машинасида ўтирганини Адҳамжон Мирзараҳимов қаёқдан билсин. Ҳатто жўнаш олдидан Ш. Боқиевнинг бир шиша коньяк харид қилганиниям бепарво қабул қилди. Эшитган, кўрганларини айтиб, йўловчиларини зериктирмасликка уринди.

— Ако, тамадди қилиб олмаймизми?

«Тошкент-Қўқон» йўлидаги довондан ошгач айтилган таклифни Адҳамжон сўзсиз қабул қилди. Машинани четга бориб, роққа қўйиб, чойхонада овқатландилар. Коньяк ҳам ичилди. Тўрт шерикнинг ичкиликдан сўнг кайфи чоғ эди. Адҳамжон шундай қувноқ ҳамроҳларга йўлиққанидан мамнун. Чойхонадаги хурсандчилик «Жигули» салонига кўчди. Айтилган аскиялар Адҳамжонни ром этган. Кўнглида заррача шубҳа қолмаганди. Қизиқ-қизиқ гаплардан кулишиб кетаверди.

Оқ ранг «Жигули» тун қаърини ёриб Чуст тумани ҳудудига киргандаям хушчақчақлик давом этарди.

— Сал панароққа олиб тўхтатасизми? Шамоллаб олайлик.

Шавкат Боқиевнинг бу қистови шерикларни ҳушёр торттирди. Ҳеч нарсдан бехабар шофёр машинасини холироқ жойда тўхтатди. Шу тобда ҳалиги шодлик ўрнини ғазаб эгаллади. Шофёрнинг орқасида ўтирган Зоҳидов туйқусдан Адҳамжоннинг сочидан тортди. Сўнг қайиш билан буға бошлади. Кутилмаган ҳужумдан довдираб қолган шофёрга Мирзаумедов пичоқ қадади.

— Ғинг десанг, тортиб юбораман.

Ҳайдовчи ўзини йўқотиб қўйганди. Вазиятни баҳолагунча кеч бўлди. Типирчилашлари фойда бермади. Раҳмонов солган чилвир оёқ-қўлини банд этди. Зоҳидов кўзини боғлади. Сўнг даг-даг титраётган Адҳамжонни орқа уриндиққа олдилар.

Бу режа чойхонада овқатланганларидан кейин узилкесил ҳал бўлганди. Ўшанда Адҳамжон сал илгарироқ кўзголиб машинаси ёнига кетади. — Иш пишди. Ҳилват жойда тўхтаттираман. Сизлар ҳайдовчининг оёқ-қўлини боғлайсиз. Машинасини олиб қўямиз.

Шавкат Боқиев шундай дея Мирзаумедовга юзланди.

— Манови пичоқ сизга. Ўзбошимчалик қилса ишлатасиз.

Зоҳидов ва Раҳмонов қулоғи, юз-кўзи занжирбанд Адҳамжонни ўрталарига ўтказганларича Боқиев, Мирзаумедов «Жигули»нинг давлат белгисини ечдилар. Боқиев рулга ўтирди.

«Тайёр улжа»га осонликча эришган гуруҳ аъзолари байрам кайфиятида эди. Ҳаёти хавф остида қолган Адҳамжоннинг ташвиши бир пул уларга. Фақат улжа ҳақида ўйлар эдилар. Ялиниб-ёлвораётган инсон ноласи қулоқларига чалинмасдиям.

Машина Чуст шаҳри четидаги «Маяк» ёнилги қуйиш хусусий корхонасига қараб бурилди. Бу хилваттоҳдаги пасту баландликни Боқиев яхши билар, чунки олдин у ерда ишлаганди.

— Меҳмонни ертўлада қолдирамиз! Қўлидаги тилла узук, тилла соатни ечиб олинглар.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Мухиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи.

(Давоми келгуси сонда).

Илк учрашув

БИР МЕН ЭМАС — БОҒЛАР ҲАМ БЕДОР



ОТАМ ХОТИРАСИГА

Йиллар ўтар, турналар ўтар,
Юрагимни айрилиқ ўртар,
Кемтик кўнглим мўъжиза кутар —
Онам сизсиз тортмоқда жабр,
Ҳеч бир киши қолмасин сағир.

Кўп жафолар ўтди бу бошдан,
Бошқа чора йўқдир кўз ёшдан.
Тўғри экан: бош қаттиқ тошдан —
Сизга қуйиб қон бўлди бағир,
Ҳеч бир киши қолмасин сағир.

Эзилган дил эзилаверар,
Дунё ками сезилаверар,
Омадсизлик чўзилаверар,
Ёлғиз қолган инсонга оғир,
Ҳеч бир киши қолмасин сағир.

Олисларда имлар саодат,
Бардошларим бахш этди қанот,
Қаддин тиклар бир кун Қандолат,
Чаманзорга айланди қабр,
Ҳеч бир киши қолмасин сағир.

КУЗ

Бир мен эмас — боғлар ҳам бедор,
Сўзсизгина қўйгум кўз ташлаб.
Қуёш тафтин сўндириб ботар,
Булут кезар кўнглимни ғашлаб.

Дарёлар ҳам оҳиста оқар,
Гўё ҳаёт аччиғин тотган.
Мусичалар бир маъюс боқар,
Ниманидир билмай йўқотган.

Бир мен эмас — боғлар ҳам бедор...

* * *

Шунчаки ўтмоқда кунларим,
Бефайзу, бесамар, иложсиз.
Ҳижронда қорайди тунларим,
Юлдузларга боқдим ишончсиз.
Дардимни айттали ошкора,
Оқ қоғоз бўлади сирдошим.
Меҳрга ташна қалб бечора,
Бунчалар дарёсан, кўзёшим.

Қандолат ШИРИНОВА.

Турмуш чорраҳаларида

«ПУЛДАН ШУНЧА ҚЎРҚАСИЗМИ?

Уни салкам 15 йилдан бери танийман.

Илгарилари кўпинча тасодифан учрашиб қолардик. Соддагина қишлоқ аёли эди. Ҳозир эса аҳён-аҳёнда қўнғироқ қилиб туради, Тошкентга йўли тушганда уйга ёки ишхонага кириб ўтади.

Ўн йилларча олдин у эрли аёл эди, асосан, бир-биридан ширин қизалоқлари ҳақида гапирарди. Моддий жиҳатдан аҳволи анча-мунча танглигини айтмаса ҳам сезардим. Ҳамиша қовоғидан қор ёғиларди. 5-6 йил илгари турмушидан ажралганини айтди. Бора-бора ўзига қараб юрадиган, чиройли кийинадиган бўлди. Бинойидек аёл экан! Воажаб, одам ҳам шунчалик тез ўзгарадими?

3-4 йил олдин кутилмаганда уйимизга кириб келди. Қўлидаги қоғоз пакетни стол устига қўйди. Унинг хушчаҳчақ қиёфасига қараб, ҳам қувондим, ҳам ҳайратландим. Нима гап ўзи! Бир маҳал у:

—Анави пакетдаги нималигини биласизми? —деб сўраб қолди.

—Йўқ, нима экан?

—Очиб бир кўринг!..

Аста ўрнимдан туриб пакетни очиб қарадим.

Қарадиму, тилим калимага келмай қолди. Пакет пул билан лиқ тўла эди. У қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

—Пулдан ҳам шунчалик қўрқадими, одам!

Индамасдан унга ўгирилдим. Ҳалиги қувноқ аёл бирдан жиддийлашиб изоҳ бера бошлади;

—Ҳайрон бўлманг. Шунақа пулдор бўлиб қолдим. Лекин ёмон йўллар билан топмаяпман. Дадамиз бизларни бутунлай унутиб юборгандан кейин қизларимни қийқиртириб қўйиб шаҳарма-шаҳар савдогарлик қилиб топяпман.

Ўша кунги суҳбатдан унинг эрини қўмсаётганини, меҳрга жуда-жуда ташна эканлигини сездим. Ёстиқдошига қиёнат қилиш унинг тушига ҳам кирмаганди. Фақат тўрт қизининг камолию, рўзгор бутлигини ўйларди холос.

Яқинда яна учрашдик. Бу сафар уни тамоман бошқача қиёфада кўрдим. Ниҳоятда нозик дид билан кийинган, гапириш оҳанглари, кулгилари ҳам майинлашганди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, негадир турмуши тўғрисида сўрадим.

—Қизларнинг отасидан хабар борми? Ярашай деяпсизларми?

—Э, нима деяпсиз ўзи. Уни бутунлай унутиб юбордим. У билан ўтган умримга ачинаман. Шунча йил бахтимни боғлаб яшаганим учун ўзимни ҳеч қачон кечирмайман.

—Нега энди?

— Биласизми, мен эркакларнинг ҳаммаси ваҳший бўлса керак деб ўйлардим. Бирортаси яхши гапирса ё хушомад қилсаям энсам қотарди. Лекин бир одамни учратганимдан кейингина ҳақиқий эркак қиёфасини кашф қилдим. Ҳозир ўшанинг хаёли билан юрибман. Дунё кўзимга чиройли кўринятти.

— У — Оилалими?

—Ҳа. Менга унинг оиласидан ортиб қолган муҳаббати ҳам етади.

—Уни хотинидан рашк қиласизми?

—Йўқ. Лекин бошқа аёллардан қизғанаман.

—Ўзингизни кечиролмайдиган ҳолларга ҳам тушганмисиз?

—Виждон қийналадиган ишлар бўлган. Кўнгилнинг гапини қайиролмаган пайтларим бўлган. Лекин буни кечириб бўлмас гуноҳ деб биламан. Ахир мен ҳам аёлман. Севишга, севилишга ҳақиқим бўлса керак. Бир нарсадан кўнглим жуда тўқки, мен туфайли, менинг муҳаббатим туфайли, унинг хотинига ҳам, фарзандларига ҳам, ишига ҳам қилча зиён етмайди.

—Қандай одамлардан нафратланасиз?

—Таъмагирлик—ёмон нарса. Ҳатто муҳаббатини ҳам гаровга қўйиб, ўшанинг орқасидан ҳам манфаат кутиб яшайдиган одамлар бор. Ўшалардан нафратланаман. Қотиллар, ўғрилар қонун йўли билан жазога маҳкум этилади. Лекин таъмагирларга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Шунга эзиламан.

—Ўзингизни яхши кўрасизми?

— Яхши кўрсам шу қисматни танлармидим... Жонимни, озгина бўлсада, аяган бўлардим.

— Қанақа хотинларни ёмон кўрасиз?

—Ўзимдакаларни.

—Ҳалиги одамга ичишингиз, чекишингиз ҳам ёқадими?

—Билмадим. Ҳар ҳолда ёқади деёлмайман. Лекин у буни тўғри қабул қилади.

—Лекин мен сизга ичишни, чекишни ташлашни маслаҳат берган бўлардим.

—Афсуски, маслаҳатингизни қабул қилолмайман. Мен ҳаётда ўзим учун жуда кам яшадим. Ҳозир ҳам истакларимни жиловлаб яшашга мажбурман. Чекмасам, асабий бўлиб қоламан. Кейин бунинг жабрини қизларим тортиши керак бўлади. Чеккан пайтимда эса ўзимни бироз унутгандай бўламан. Бу нарсалар менинг ихтиёримдан ташқарида рўй беради—организмим талаб қилади.

—Бу фожианинг асосий сабабчиси ким деб ўйлайсиз?

—Эрим деб биламан. Агар у менга вақтида меҳр берологанда, бир оғиз ширин сўзини аямаганда, йўлига, қўлига қаратиб қўймаганда ҳеч қачон бундай ҳол рўй бермасди. Тўғрисини айтсам, мен аслида мол-дунёга жудаям ўч эмасман. Худога шукр, қизларимнинг сепини тайёрлаб қўйдим. Бу ёғига ўқитувчилигимни қилиб тинчгина яшасам ҳам бўлади. Лекин мен энди уйда бемалол ўсма қўйиб ўтиролмайдиган бўлиб қолганман. Мен олдин етишмовчилик туфайли қилган бўлсам, ҳозир савдо-сотиқ билан шунчаки эрмак учун шуғулланаман холос!

—Нимадан қўрқасиз?

—Қизларимнинг кўзига тик қаролмай қолишдан...

Уни ҳар хил саволлар билан бошқа қийнагим келмади. Тушунишга ҳаракат қилдим. Қизиқ, ҳаётда шундай одамлар ҳам бўларкан-да, ўзининг айбларини, гуноҳларини кўриб, сезиб тураркану, шу йўлдан ўзини қайтаролмаскан.

Суҳбатдошимга қарайман. Барибир унга таъсир қилолмайман. Демак, ўз ҳолига қўйиш керак. Фақат уч-тўрт йилдан сўнг у билан қай ҳолда учрашаркинмиз, нималар ҳақида гаплашаркинмиз. Яна қандай фавқулодда ўзгаришлар содир бўларкин?

Яхши ният яхши-да! Эҳтимол 5-10 йилдан кейин неваралари етаклаб мунисгина бир аёл бизни йўқлаб келар...

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.



ЛАҲЗА. Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сўрат.

Обуна—97

ЗОБИТЛАР СЕВГАН ГАЗЕТА

Тўрақўрғон туман ички ишлар бўлими терговчиси Улуғбек Усмонов «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди.

—»Жиноят ва жазо», мамлакатимиз ва дунёдаги қизиқ янгиликларни тез ва ширали тил билан ёритиб турган газетага албатта обуна бўламизда, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини Алижон Мирзаев.

Майорнинг сўзига қараганда, Улуғбекка ўхшаб бўлим бошлиги ўринбосари Абдуҳалил Бойматов, жиноят қидирув бўлими бошлиғи Ҳабибулла Тожиаҳмедов, ҳудуд нозири Зокиржон Қосимов каби 14 нафар милиция зобити газетамизга обуна бўлишган. Умуман, туманда «Ўзбекистон овози» севимли нашрлардан бўлиб турибди. Бугунгача 150 нафарга яқин муштарий обунани расмийлаштирган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БИЗДА ҲАММА ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ»

— Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида маънавият ва маданиятни қадрламаслик гуноҳи азим, — дейди Касби туманидаги савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Аҳмад Холмуродов. — Зотан, маънавиятга эътибор келажаги буюк давлатни барпо этиш, маънавияти ва маданияти буюк халқни камол топтиришга имкон яратади. Жамоамизда маърифат маркази фаоллари, маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Бундан ташқари бизда ҳамма газета ўқийди. Айниқса, «Ўзбекистон овози»ни юзлаб ишчи ва хизматчиларимиз севиб мутоала қилишади. Шу боис, бу йил ҳам шу газетага обуна бўлишяпти. Айрим кам таъминланган ходимларимизни корхона ҳисобидан мазкур рўзномага обуна қилдик.

Косон туманидаги давлатга пахта сотиш режасини биринчилардан бўлиб бажарган «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич партия ташкилотининг котиби Файзулла Келдиёров биз билан сим орқали боғланиб ҳозирча хўжаликда ишловчи 20 киши «Ўзбекистон овози» ва унинг иқтисодий иловаси «Осиё бозори» газетасига обуна бўлишганини мамнуният билан маълум қилди.

Илҳом ҚАРОМОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

БИЗДАН НИМА ҚОЛАДИ?

Мулоҳаза

Инсон ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш учун интила билиши, имконияту режа излаши, тадбиркору оқил бўлмоғи лозим. Ҳеч замонда шубҳаю гумон билан бирон мақсадга эришиб бўлмайди. Асримиз бошида чигиртка балосидан омон қолган, оғир уруш йилларида қаҳатчиликни бошидан кечирган халқимиз бугунги мураккаб ҳолатларни албатта енгиб ўтади.

Шундай пайтда кўнгилда мулоҳазалар туғилади. Нега миллий ҳунармандчилик тақдирига бефарқмиз? Оддий маҳсини олинг ёки калишни. Наҳотки, маҳсидўзлик ҳунарини тиклаш мумкин эмас? Ўзбекистонда қанча гил тупроқли ерлар бор. Кулолчиликни бемалол ривожлантириш мумкин-ку. Бурунги кўзаларимиз ҳозир бўлса, одамлар олмайдими? Менимча унга ҳозир зарурат сезиляпти. Чунки сопол кўзаларда сув қудуқникидек муздай ва роҳатбахш бўлиб туради. Тоштовоқлар ва тошкосалар ҳам зарур. Ҳатто улар сифатли ва пишиқ тайёрланса чет мамлакатларга чиқариш ҳам мумкин. Булар бари мустақиллигимизга хизмат қилиши керак. Назаримда деҳқончилик ҳунари унутилгандай. Турли хил сабзавотлару кўкатларни парваришлаб экиш ҳам бозор иқтисодиёти йўл-йўриқларини белгиламайдими? Доривор гиёҳларни пулга қизиқиб, тоғу адирлардан хомлигича ўриб олганча, уларнинг турини сақлаб қолиш чораларини кўриш, маданийлаштириш зарур эмасми? Ахир сизу биздан кейин келаётган авлодга нимадир қолдиришимиз керак-ку?!

Зиёда ҒАЙБУЛЛАЕВА.

Фанимиз фидойилари

КОМИЛ ИНСОН ИБРАТИ

Шундай кишилар бўладики, уларни билганлар фақат меҳр, ҳурмат, эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини туйиб сўзлайдилар. Халқимизнинг фахри, маънавиятимизнинг жавоҳири бўлмиш табаррук кишилар Ўзбекистонимизнинг миллий бойлигидир. Ана шундайлардан бирини кўриб, мулоқот лаҳзаларидан олам-олам баҳра олмоқчи бўлсангиз, Самарқандга келинг. У кишининг исми шарифларини, масканларини барча аҳли шаҳар билади. Қаҳрамонимиз — муборак умрининг 70 баҳорини жўшқин меҳнат завқи билан қаршилаётган истиқлолимиз жонқуяри — профессор Рўзи Ҳаитовдир.

...1926 йилнинг кузи. Кармананинг Жалойир қишлоғидаги деҳқонлардан бирига Оллоҳ таоло тўнғич фарзанд — ўғил ато этди... Бироқ ота қувончининг умри қисқа экан. Рўзи олти ёшга етар-етмас отаси вафот этди. У синглиси билан онаси қарамоғида қолди. Кун кечириш қийин... Тақдир шу тариқа Рўзини Карманадаги болалар уйига етаклаб кетди...

ИЛМ ИСТАБ

Табиатан тиришқоқ Рўзи тез назарга тушди. Абжир, ҳозиржавоб ўсмир барча фанларни қунт ва ажиб бир ташналик билан ўрганарди. Шунинг учун ҳам унинг етуклик гувоҳномасига «имтиёзли» деб ёзишди. 1940 йилдан бошлаб, Рўзи Ҳаитов Самарқанд зооветеринария техникумида ўқий бошлади.

Техникумда ўтган уч йил қаҳрамонимизга хостиришқоқлик, илмга ташналик ва уни қондиришга интилиш хислатларининг устивор эканлигини тасдиқлади. Техникум Р. Ҳаитовни «аъло» баҳолар билан ҳаётга йўллади.

Устозлар: «Рўзижон, Сиз ўқишни давом эттиришингиз керак. Институтга ўқишга киринг! деб маслаҳат беришди. Бироқ ўлкамизда 1943 йил — урушнинг суронли кунлари кечмоқда эди. Шу сабабли Рўзи жойини фронт учун зарурроқ бўлган меҳнат жабҳасида, деб ҳисоблади. Қаҳрамонимиз меҳнат фаолиятини Фориш туманида зоотехник вазифасидан бошлади.

Кунлар, ойлар ўтарди. Бир куни Самарқанддан талабалар амалиёт ўтишга келишди. Талабалар раҳбари А. Г. Корнет дегани «Осмонсой» колхозининг зоотехниги Рўзи Ҳаитовнинг билимдонлиги, тадбиркорлигига тан берди ва кетиш арафасида:

— Рўзи. Сен, албатта ўқишинг керак. Юр, биз билан. Бизнинг институтимизга қабул давом этяапти, — деди у. Рози бўлдим. 1944 йили Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига кирдим. Шароит оғир эди. Ҳам ўқиб, ҳам ишлашга тўғри келди. Мени моддий жиҳатдан қўллаб турадиган, жони ачийдиган ҳеч кимим йўқ эди. Енгил атлетика бўйича институт терма командасида қатнашардим, пахта мавсумида ҳар куни 180 — 200 килограммдан пахта терардим. Булар ҳам жонимга аро кирарди.

— Институтни ҳам нуқул «5»га тугатдим, — давом этди Р. Ҳаитов ийманибгина дипломини бизга кўрсатаркан. — Ўша пайтларда институтимизни академик Жўра Саидов бошқарар эди. У кишининг номини доимо чексиз ҳурмат, эҳтиром билан тилга оламан. Чунки, 40-йиллардаёқ миллий зиёлиларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашишнинг тамал тошини қўйганлардан бири — Жўра Саидов эди.

50-йилларнинг бошида Рўзи учун мустақил илмий-тадқиқот фаолиятини бошлашга тўғри келди. Аспирант Р. Ҳаитов ўзи танлаган «Самарқанд вилояти қорақўл қўйларининг анаплоцефалятоз касалликлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини устози, профессор Н. В. Баданин раҳбарлигида ўз вақтида ҳимоя қилди. Ёш олим изланишдан тўхтамади. Кўплаб жамоатчилик вазифалари, педагогик фаолият талаб қиладиган бандликка қарамасдан «Турли биологик омилларнинг қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг паратифоз иммунитетига таъсири» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёзиб тугаллади.

Олматалик олимлар 1969 йилда Р. Ҳаитовни докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлагани билан қутлашди.

Фан чўққиси сари бошланган фидокорлик Р. Ҳаитов атрофига ёш илм ихлосмандларини тўплай бошлади. Устознинг раҳбарликлари остида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган 31нафар фан номзоди ва 6 нафар фан доктори Ўзбекистон фанига салмоқли ҳиссаларини қўшдилар ва қўшмоқдалар.

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ

Р. Ҳаитовнинг меҳнат дафтарчасидаги битиклар иш кўзини билувчилигидан, раҳбар сифатидаги тадрижидан гувоҳлик беради. Зеро, факультет декани муовини, институт маҳаллий-қўмитаси раиси, кафедра мудири, Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институти ректори (1961 — 1977 йиллар) каби вазифаларни профессор маҳорат, фидойилик ва шараф билан уддалади: институт бош корпуси қурилиб, ишга туширилди, собиқ иттифоқда биринчи бўлиб қорақўлчилик факультети очилди (1966 йилда): ўқитишнинг лингофон тизимига ўтилди; илмий ва ўқув-методик ишлар сони ва сифати кескин ошди; қабул ҳажми 250 кишидан 500 — 600 кишига етди; 160 фан номзоди, 25 фан доктори тайёрланди ва ҳоказо.

— Бу ишларга қандай, қачон улгургансиз? — деб сўраганда шундай жавоб берди:

— Менинг иш куним, эрталаб 6 дан кечқурун 24 гача давом этарди. Шунинг учун бўлса керак, умр йўлдошим Раисахон ҳамма жойда «У киши бошқаларнинг болаларини, мен бизнинг болаларимизни тарбиялайман» деб гапирардилар. Дарҳақиқат, институтга раҳбарлик қилган 16 йил давомида ишга кетаётганимда болаларим ҳали турмаган, келганимда эса, аллақачон ухлаган бўларди.

Ҳа, Рўзи Ҳаитович ўз халқи фарзандларини билимдон қилиш ва тарбиялашни ўзининг бош маслаги, деб билади. Республикамиз қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган 25 минг мутахассис Рўзи Ҳаитович маърузаларини тинглаганликлари билан фахрланадилар. Қачон, қаерда кўрсалар устознинг уларни қуршовидан чиқиши анчагина мушкул бўлиб қолади. Рўзи Ҳаитов ана шундай раҳбарлик, мураббийлик мактабининг асосчиларидан, истиқлол учун қўйиб, ёниб ишлаган фидойи муаллим. Бугун у киши тарбиялаган ўнлаб туман ҳокимлари, юзлаб жамоа хўжалиги раислари, тадбиркорлар, фермерлар миллий истиқлол пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқдалар.

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Профессорнинг ҳаётий, ташкилотчилик, илмий фаолияти муваффақияти омилларидан бири — жаҳоннинг машҳур олимларидан дўст орттириш ва уларни Ўзбекистон фани равнақига ҳисса қўшишга рағбатлантира олгани бўлди.

— Илгари бир байрамнинг ўзида, — дейди Рўзи Ҳаитович, — 400 дан ортиқ табрикнома, хат олиб — ёзиб турардим. Ҳозир Ҳамдўстлик давлатларида почта хизматларида мушкулотлар бор. Шу сабаб 50 — 60 манзилга хат-табрик йўллаб, олиб тураман.

Дарҳақиқат, жаҳоншумул ҳурматга сазовор академиклар И. Мозгов, Я. Каваленко (Россия), В. Юрчишин (Украина), З. Кожибеков (Қозоғистон), О. Чориев (Туркманистон), М. Григорянц (Арманистон), Н. Крилова (Татаристон) ва бошқалардан келган дўстона мактубларнинг соғу саноғи йўқ.

— Барибир, — дейди олим қувончини ичига сиғдира олмай, — ҳар кунги сафдошларингни, ўзинг тарбиялаган шогирдларингнинг камолини кўришнинг гашти бошқача.

ҲОРМАНГ, УСТОЗ!

Жамоатчилик ишлари — Рўзи Ҳаитов учун ўзининг етмиш ёши арафасида ҳам заррача сусаймаётган қайноқ, беадад ва туганмас фаолият туридир.

— Эртага соат 12 гача шаҳар ветеранлари кенгашида, кейин кафедрада бўламан, — дейди биз билан хайрлашар экан олим. Ҳа, айниқса ҳозирги бироз иқтисодий муаммолар учраб турган бир пайтда уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш — Самарқанд шаҳар фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари — профессор Рўзи Ҳаитовнинг кундалик юмушларидан биридир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан Самарқандда кўплаб янгиликлар рўй берди. Ана шулардан бири — янги «Боғи Темур» маҳалласининг ташкил топиши бўлди. Маҳалла аҳли олимдан «Ёшлар тарбияси» комиссиясини бошқаришни илтимос қилишди. Лицей, гимназия, мактаб, техникумлар таклиф қилади. Олим «йўқ» дея олмайдилар. «Мурожаат қилишибдими, демак, керак. Миллий истиқлолнинг моҳияти, миллий мафкуравий тарбия, Ватанимиз, жаҳонда кечаётган ўзгаришлар хусусида маърузалар қилишга тўғри келади».

Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари номзоди,
Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Спорт

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида ўтказилган дзюдочилар Осиё чемпионати ватандошларимизга омад келтирди. Атланта олимпиадасининг совриндори Армен Басдасаров Осиё чемпиони бўлди. Яна бир вакилимиз Владимир Шмаков ҳам олтин медални қўлга киритди. Дмитрий Соловьёв эса мусобакадан бронза медали билан қайтди.

ТЎРТТА ОЛТИН НАСИБ ЭТДИ

Мамлакатимиз эркин кураш усталари Техронда ўтказилган жаҳон кубоги учун беллашувларда муваффакият козондилар. Курашчиларимиз 10 та олтин медалдан тўрттасини қўлга киритдилар. Бу муваффакиятга Рамил Исломов, Игорь Купеев, Сагиб Котеноваев, Руслан Хинчаговлар олтин, Адхам Очилов, Дамир Захариддинов, Сослан Фраевлар бронза медаллари билан муносиб улуш қўшдилар. Олтин медаллардан учтасини эронликлар қўлга киритган бўлса, кубаликларга иккитаси насиб этди. Россия курашчилари битта олтин медаль билан каноатландилар.

Ташкилотлар ва хусусий корхоналар диққатига!

"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ" УЮШМАСИ

Енгил саноат маҳсулотларининг 1997 йилга улгуржи савдоси бўйича **республика ярмаркаларида** иштирок этишга таклиф этади.

Ярмаркалар:

20 ноябрдан 23 ноябргача — тўқимачилик маҳсулотлари (ип-газлама ва иплар, шойи газламалар, ярим жундан бўлган одеялалар, нотўқима материаллар, ватин), гиламлар, чинни идишлар, галантерия, фурнитура;

5 декабрдан 9 декабргача — тикувчилик, трикотаж, мўйна, пайпоқ маҳсулотлари, бош-кийимлар, пойабзаллар, кийим-кечаклар бўйича ўтказилади.

Ярмарка республика Ассортиментлар ва модалар марказида ташкил этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Д.Қунаев кўчаси, 25-уй. Мўлжал — "Россия" меҳмонхонаси.
Маълумот учун телефонлар: 39-14-37, 39-14-39.